# Тошкент оқшоми

2018 йил 5 декабрь, чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 229 (13.826)

Баҳоси эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 6 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган норасмий учрашувида иштирок этади.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## РЕСПУБЛИКАДА ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада пиллачилик тармоғини ривожлантириш, пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнига замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиш, ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажмларини ошириш ҳамда тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан, ҳанузгача пилла хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош тайёр ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Янги интенсив тутзорлар ва тут қаторлари барпо этишни рағбатлантириш, тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш, илғор технологиялар, инновацион ғоялар, илмий ишланмалар ва илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, пилла хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош тайёр ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва уларнинг турларини кўпайтиришни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва "Ўзбекипаксаноат" уюшмасининг мавжуд тутзорларни "Ўзбекипаксаноат" уюшмасининг ҳудудий "Агропилла" МЧЖларига ўтказиб бериш ва янги тутзорлар барпо этиш борасидаги фаолияти лозим даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги "Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3910-сонли қарорига мувофиқ "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг республика ҳудудларида аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини ошириш мақсадида пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан томорқа ер эгаларига (аҳоли хонадонларига) 50 бошдан 90 кунлик парранда ва тут кўчатларини шартнома асосида бепул етказиб бериш тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

**2019–2021 йилларда пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан томорқа ерларида (аҳоли хонадонларида) тут кўчатлари экишни ва парранда боқишни ташкил этишнинг мақсадли прогноз параметрлари** 1-иловага мувофиқ;

**2019–2021 йилларда пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан ипак қуртини парваришлаш иншоотларини қуришнинг мақсадли прогноз** параметрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси, "Паррандасаноат" уюшмаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарор билан тасдиқланган мақсадли прогноз параметрлари бажарилишини таъминлаш юзасидан туманлар, пиллачилик тармоғи ташкилотлари, томорқа ерлари (аҳоли хонадонлари) кесимида **манзилли чора-тадбирлар дастурларини** тасдиқласин ҳамда уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали ижро этилишини таъминласин.

"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз параметрлари ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда амалга оширилган ишлар натижасини таҳлил қилган ҳолда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиб борсин.

4. "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йилдан бошлаб уюшма таркибига кирувчи ташкилотларнинг пилла ҳосили учун контрактация шартномаларида белгиланган миқдорлардан ортиқча пилла топширилганида, **5 килограммгача ортиқча пилла ҳосили харид нархига нисбатан 15 фоиз, 5 килограммдан юқори бўлган қисмига – 25 фоиз миқдорида устама тўлаш тизимини жорий этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

*(Давоми 2-бетда)*

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ТОЖ БИЛАН ҚАЙТДИ

***24 ноябрь – 3 декабрь кунлари Туркиянинг Кўния шаҳрида 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Жаҳон шахмат олимпиадасида ғолиб чиққан Ўзбекистон терма жамоаси Тошкентга қайтиб келди.***

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ёш иқтидор эгалари тантанали кутиб олинди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси раҳбарияти, олимпиада ғолибларининг яқинлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Жаҳон шахмат олимпиадасида дунёнинг 39 мамлакатидан 46 жамоа таркибида 222 нафар йигит-қиз иштирок этди. Мусобақада жамоалар жами 9 турда ғолиблик учун кураш олиб борди.

Ўзбекистон шарафини халқаро гроссмейстер мураббий Саидали Йўлдошев раҳбарлигидаги шахматчиларимиз муносиб ҳимоя қилди.

Хусусан, халқаро гроссмейстер Нодирбек Абдусатторов биринчи тахтада энг кучли спортчилар билан дона суриб, 9 имкониятдан 5,5 очко жамғарди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Нодирбек Ёқуббоев иккинчи тахтада 9 имкониятдан 8 очко жамғариб, ўз тахтасида олтин медалга сазовор бўлди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Жавоҳир Синдоров учинчи тахтада 7 имкониятдан 4,5 очко жамғарди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Шамсиддин Воҳидов 8 имкониятдан 7,5 очко жамғариб, тўртинчи тахтада олтин медални қўлга киритди. Спорт усталигига номзод Ситора Сапарова 3 имкониятдан 1 очко жамғарди.

Олимпиадада шахматчиларимиз Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Украина, Венгрия, Польша ва Молдова каби мамлакатларнинг кучли терма жамоаларини мағлубиятга учратди. Фақат АҚШ терма жамоасига кичик ҳисобда имкониятни бой берди, якунда 9 имкониятдан 8 очко жамғариб, олимпиада ғолибига айланди. Иккинчи ўринни 7 ғалаба 2 та мағлубият қайд этган ҳиндистонлик ўсмирлар қўлга киритди. Учинчи ўрин хитойлик спортчиларга насиб этди.

Халқаро гроссмейстерлар ва халқаро тоифадаги спорт усталаридан иборат мусобақа фаворитлари ҳисобланган Россия, Эрон, Озарбайжон, АҚШ ва Арманистон вакиллари қуйироқдан жой олди.

Қайд этиш кераккки, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Жаҳон шахмат олимпиадаси тарихида илк бор шундай натижага эришди. Бу юртимизда спортни оммалаштириш, жумладан, шахматни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар самарасидир.

**З.ЖОНИБЕКОВ**

## КЕЛГУСИ ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ СЕНАТОРЛАР МУҲОКАМАСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси ҳузуридаги ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокама этилди.***

Мамлакатимизнинг келгуси йилга мўлжалланган энг муҳим молиявий ҳужжатида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йилда юридик шахсларга солинадиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизга, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизга камайтириш назар тутилган.

Солиқ тизимига киритилаётган бу каби ўзгаришлар, аввало, мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш, Давлат бюджетининг барқарорлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга солиққа тортишнинг умумий тизими бўйича тўловларни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида солиқ юки борасидаги номутаносиблик бартараф этилади. Умуман, ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар пировардида мамлакатимиз инвестицион жозибадорлигини ошириш, аҳоли реал даромадларини юксалтириш, унинг фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиши йиғилишда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОННИ 2035 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТИ

***Шу йил 28-29 июнь кунлари "Буюк келажак" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ва "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан "Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси" мавзуида халқаро форум ташкил этилиб, унинг доирасида мамлакатимизни узоқ муддатли ривожлантиришнинг стратегияси концепциясини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама қилинган эди.***

Шунга мувофиқ "Буюк келажак" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан KPMG аудитор-консалтинг ташкилоти кўмагида Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. "Тараққиёт стратегияси" марказида 4 декабрь куни мазкур концепция лойиҳасининг дастлабки тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, "Тараққиёт стратегияси" маркази, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, "Буюк келажак" ташкилоти экспертлар кенгаши аъзолари иштирок этди.

Бугунги шиддатли давр мамлакатимиз олдига ривожланишнинг узоқ муддатли стратегиясини белгилаш ва барча соҳани изчил тараққий эттириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифасини қўймоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясидан мақсад мамлакатимизни дунёнинг иқтисодиёти ривожланган 50 давлати қаторига киритишдир.

Концепция лойиҳаси давлат бошқарувини ислоҳ этиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, инновация ва технологияларни қўллаб-қувватлаш каби асосий йўналишлардан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давомида тўпланган тажриба мазкур концепциянинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Энг муҳими, мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги стратегияси келаси 17 йилга мўлжалланган бўлиб, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида юқори натижаларга эришишни назарда тутади.

Лойиҳанинг давлат бошқарувини ислоҳ қилиш йўналишида қонунчилик базасини такомиллаштириш, суд тизимини ислоҳ этишни давом эттириш, аҳоли сиёсий маданиятини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг халқаро индекслардаги ўрнини юксалтиришга имкон берадиган давлат бошқаруви институтларини такомиллаштириш вазифалари белгиланган.

Иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси ва қишлоқ хўжалигини равнақ топтириш, тадбиркорда ташаббускорликни кучайтириш, молиявий ресурслар билан таъминлаш каби омилларга асосланади. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобига 2035 йилга бориб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 122 миллиард долларга етказилади. Ўсиш суръатининг бундай кўламини белгилашда ЯИМнинг номинал ўсиши, иқтисодиёт самарадорлиги, аҳоли жон бошига даромадлар ошиши ҳисобга олинган, Хитой, Индонезия, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур, Таиланд каби давлатларнинг иқтисодий ривожланиш динамикасига қиёсланган.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Фарғонада бир гуруҳ фаолларга Бош қомусимиз қабул қилинганининг 26 йиллиги арафасида "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.**

**• Давлат хизматлари агентлиги Навоий вилояти бошқармасига махсус жиҳозланган 2 та автобус топширилди. Аҳолига сайёр давлат хизматлари кўрсатувчи махсус жиҳозланган ушбу автобуслар салонида компьютер, принтер, интернетга уланиш мосламаси ҳамда кўрсатилган хизматларга тўловлар қабул қилиш кассаси мавжуд. Ходимлар исталган ҳудудда нотариал, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва банк хизматларини кўрсатиши мумкин.**

**• "Адолат" социал-демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши қошида "Истеъдод клуби" фаолияти йўлга қўйилди. Клубда иқтидорли ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш ишлари олиб борилади. Шу мақсадда бу ерда адабиёт, тасвирий санъат, табиий фанлар, аниқ фанлар, ҳуқуқшунослик, спорт, ахборот-коммуникация технологиялари каби йўналишлар бўйича алоҳида бурчаклар ташкил этилди.**

**• Нукусда кексалар, имконияти чекланганлар, шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида "Меҳр улашинг" акцияси ташкил этилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ўтказилаётган акция доирасида ногиронлиги бўлган шахслар билан учрашувлар, турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**• Ҳимолай тоғларида жойлашган 6907 метр баландликдаги шу вақтгача забт этилмаган Луна Крин чўққисига ҳам инсоннинг оёғи тегди. Австриялик альпинизм бўйича энг ёш жаҳон чемпиони ҳисобланмиш Давид Лама тўртинчи уриниш орқали жуда ноқулай чўққини бир ўзи забт этишга муваффақ бўлди.**

**• Хитой пойтахти Пекин шаҳрида бутун сайёрада бепул Wi-Fi хизмати билан таъминлашга мўлжалланган хусусий йўлдошнинг кенг оммага намойиши бўлиб ўтди. Янги сунъий йўлдошнинг дастлабки парвози 2019 йилда ташувчи ракета томонидан амалга оширилади. 2020 йилда эса яна 10 та йўлдошнинг учирилиши режалаштирилмоқда. 2026 йилга келиб, кўзда тутилганидек, ушбу тизимдаги барча 272 та йўлдошнинг ҳар хил баландликларга парвози амалга ошириладиган бўлса, бутун ер курраси аҳолисининг бепул симсиз Интернетдан фойдаланиши учун қулай имконият юзага келади.**

**• Франция пойтахти Париж шаҳридаги энг диққатга сазовор жойлардан бири бўлмиш Эйфель минорасининг 129 метрли айланма зинапоясининг бир қисми ғайритабиий кимошди савдоларида бошланғич нархи 60 минг еврога баҳолангани ҳолда, номаълум коллекционер томонидан 169 минг еврога харид қилинди. Бу машҳур минора зинапоясининг иккинчи бор кимошди савдоси орқали сотилишидир.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# РЕСПУБЛИКАДА ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

5. Пиллачилик тармоғидаги лойиҳаларнинг қиймати ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотларнинг ипак қурти уруғини сотиб олиш, тутзорлар барпо қилиш, пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 2019–2021 йилларда ажратиладиган банк кредитлари фоиз харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари томонидан белгиланган **кредит ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда компенсация тақдим этиш** тартиби ўрнатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019–2021 йиллар давомида ҳар йили **100 миллиард** сўм миқдоридаги маблағларни тегишли йилнинг 1 февралига қадар мазкур бандда назарда тутилган компенсацияларни тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ўтказиб берсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ҳамда тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда халқаро молия ташкилотлари ва институтлари билан музокаралар олиб борсин ва пиллачилик тармоғидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун **имтиёзли кредит линияларини очиш** юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотлар 2023 йил 1 январга қадар муддатга **мол-мулк ва ер солиқларини тўлашдан озод этилсин**, бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шу жумладан, технологик ускуналар сотиб олиш учун мақсадли тарзда йўналтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 январдаги "Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3472-сонли қарорининг 10-банди "а" кичик бандида назарда тутилган божхона тўловлари бўйича имтиёзларни, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳисобига олиб кирилаётган божхона расмийлаштируви вақтида **ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан 7 йилгача бўлган технологик ускуналарга** ҳам қўллашга рухсат берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандда назарда тутилган имтиёз қуйидаги шартлар билан қўлланилади:

имтиёз қўлланилганидан кейинги йилдан бошлаб **3 йил** давомида ҳар йили ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг камида 50 фоизини экспорт қилиш;

имтиёзни қўллаш натижасида бўшайдиган маблағларни технологик ускуна олиб кирилган кундан бошлаб дастлабки **2 йил** ичида ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида **технологик ускуналар сотиб олиш учун мақсадли тарзда йўналтириш**.

9. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб тармоқ ташкилотлари ходимларини ихтисослашган олий таълим муассасаларидаги "Ипакчилик ва тутчилик" таълим йўналиши бўйича сиртқи бўлимларга **белгиланадиган қабул квоталаридан ташқари тўлов-контракт асосида тест синовларисиз қабул қилиш тартиби** жорий этилсин. Бунда олий таълим муассасаларига қабул:

ходимнинг умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига ва тармоқ ташкилотларида камида **3 йил** амалий иш стажига эга бўлиши;

контракт тўлови тармоқ ташкилоти томонидан кафолатланган ҳолда амалга оширилиши ва ходим – битирувчининг ўқишни тамомлаганидан сўнг **5 йил** давомида тармоқ ташкилотида ишлаб бериши шарти билан амалга оширилади.

10. "Ўзбекипаксаноат" уюшмасининг:

хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, чет эл давлатларининг пиллачилик тармоғи вакиллари, эксперт ва мутахассислар ҳамда хорижий сайёҳларни кенг жалб қилган ҳолда 2019 йилдан бошлаб ҳар йили **Халқаро ипакчилик форуми** ва **"Ипак ва Мода" ("Silk & Fashion")** халқаро ипакчилик кўргазмасини;

жойларда, биринчи навбатда, туристлар ташриф буюрадиган маданий мерос объектлари ҳудудларида **"Uz-Silk" миллий бренди** остида ипак матолар ва тайёр ипак маҳсулотлари кўргазма-савдо расталарини (дўконларини), шунингдек, ипакдан тикилган либослар ва ипак буюмларнинг мода кўргазмаларини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллий ипак маҳсулотларининг ташқи бозорларга етказиб берилишидаги мавжуд муаммоларни танқидий таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича асослантирилган таклиф киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ва унинг замонавий илмий лабораториясини ташкил этиш бўйича **комплекс чора-тадбирлар режасини** тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ миқдор ва манбаларини белгилаган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда вилоятда инновацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда ҳосилдорлиги юқори бўлган интенсив тутзорлар барпо қилиш, сифатли ипак қурти уруғи етиштириш, замонавий ипак қуртини боқиш иншоотларини қуриш асосида **пилла етиштириш ва уни қайта ишлашнинг намунавий тизимини жорий этиш** юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда жойларда тут дарахтларини ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш натижасида зарар етказганлик учун **жавобгарликни кучайтириш** бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 4 декабрь*

***Маълумки, 2018 йилнинг 10 декабрида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганига 70 йил тўлади. БМТ Бош Ассамблеясининг 3-сессиясида қабул қилинган, унга аъзо давлатларга тавсия мазмунига эга бўлган мазкур декларация ер куррасида яшаётган халқларнинг барчасига бирдек тааллуқли бўлган ҳуқуқларни ифода этган.***

# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТ

Мазкур ҳужжат дунёнинг шу кунгача беш юздан ортиқ тилига таржима қилинган бўлиб, эндиликда энг кўп таржима қилинган ҳужжатлар жумласига киради. БМТнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган, бу соҳада бутун халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий асосига айланган 30 моддадан иборат ушбу декларация Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонуннинг таркибий қисми ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам халқаро жамоатчилик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган, бу соҳада бутун халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий асосига айланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги кенг нишонламоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Унинг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 70 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясида белгиланган асосий қоидаларни миллий қонунчиликка имплементация қилган. Мамлакатимизда шу асосда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида ўзига хос миллий тизим яратилди ва ихтисослашган махсус миллий институтлар ташкил этилди. Маълумки, 1993 йили БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи умумжаҳон конференциясида қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури қоидалари мамлакатда ҳам амал қилмоқда.

Ўзбекистонда суд, прокуратура ва адвокатура тимсолидаги анъанавий ҳуқуқ-тартибот тизими билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар тизими яратилган. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ушбу тизимнинг негизини ташкил этади. Яна бу тизимга яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши киритилди.

Ўзбекистон декларация асосида қабул қилинган халқаро конвенцияларни ратификация қилиб, инсон ҳуқуқи соҳасида умумэътироф этилган тамойилларга содиқлигини намоён этди. Ўзбекистон давлат раҳбарининг 2018 йил 5 майда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур дастур ўз ичига 6 та йўналишдаги кенг кўламли чора-тадбирларни қамраган.

Ушбу дастурга асосан, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган халқаро тадбирлар ҳам ташкил этилди. Ушбу тадбирлар доирасида жорий йилнинг 22-23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтди. Анжуман ишида БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари, Осиё қитъасида жойлашган давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи институтлари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва бошқалар иштирок этди. Осиё форуми якунида Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Унда давлатлар томонидан халқаро ҳужжатларга мувофиқ барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя қилиш ва ҳимоя қилиш борасида самарали тизим яратишга оид мақсадлар кўзда тутилади.

**Бекзод ХУДАЙБЕРГЕНОВ,**
**Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси**

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛМОҚДА

***Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 2 августда "Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган солиқ ва божхона ислоҳотларини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон имзоланди.***

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Олмазор туман прокуратураси томонидан қатор ишлар олиб борилаётир. Туманда ишчи гуруҳлар тузилган бўлиб, улар томонидан рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганларни аниқлаш, жисмоний шахсларга тегишли бўлган турар ва нотурар жойларга нисбатан қонун бузилишларни аниқлаш ва бу ҳолатларни бартараф этиш борасида чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, ишчи гуруҳлар томонидан олиб борилган хатлов натижасида рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритаётган 965 нафар фуқаролар аниқланиб, уларнинг 483 нафари давлат рўйхатидан ўтказилди. Натижада давлат бюджетига 293,8 млн. сўм қўшимча солиқ тушадиган бўлди.

Жисмоний шахсларга тегишли ноқонуний турар ва нотурар жойларни аниқлш мақсадида ўтказилган ўрганишларда жами 201 та ҳолат аниқланиб, уларнинг 84 нафари давлат рўйхатидан ўтказилди ва бюджетга 84 млн. сўм қўшимча мол-мулк ва ер солиғи ҳисобланди.

Шунингдек, фаолиятини вақтинча тўхтатган ва фаолият юритмаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини қайта тиклаш мақсадида олиб борилган профилактик чора-тадбирлар натижасида 236 нафар тадбиркорлар фаолияти қайта тикланди ва бюджетга 163,3 млн. сўм қўшимча солиқ ҳамда мажбурий тўловлар тўланадиган бўлди.

Туманда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда ҳақиқий ишчилар сонини аниқлаш ва рўйхатдан ўтказиш мақсадида ўтказилган ўрганишда 1546 нафар норасмий ишлаётган фуқаролар аниқланиб, шулардан 817 нафар ёлланма ходимлар рўйхатдан ўтказилди. Бу эса бюджетга 193,1 млн. сўм қўшимча солиқ ҳамда мажбурий тўловлар тўланади деганидир.

Бундан ташқари, бошқа йўналишлар бўйича ҳам ишчи гуруҳлар томонидан олиб борилган ишлар натижасида юридик шахслардан 45067,8 млрд. сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, уларнинг барчасига талабномалар юборилиб 19307,8 млрд. сўм ундирилиши таъминланган.

**Тўлқин КАРИМОВ,**
**Олмазор туман прокурори ўринбосари**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ҲАФТАЛИГИ

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Ихтирочи аёллар маркази ҳамда Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида жорий йилнинг 26-30 ноябрь кунлари Мирзо Улуғбек тумани хотин-қизларининг инновацион тадбиркорлик ҳафталиги ўтказилди.***

Хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларни тадбиркорлик билан шуғулланишга йўналтириш орқали меҳнат ресурсларининг самарадорлигини ошириш, жамиятда хотин-қизларнинг ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш, ишсиз, имконияти чекланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган Мирзо Улуғбек тумани хотин-қизларининг инновацион тадбиркорлик ҳафталигида турли қизиқарли ва кўргазмали тадбирлар бўлиб ўтди. Хусусан, тадбиркор ва ҳунарманд хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг инновацион ярмаркаси ташкил қилинди. Ҳунармандчилик йўналишлари бўйича тажрибали ҳунарманд-усталар томонидан ўз фаолиятини бошламоқчи бўлаётган аёлларга, шунингдек, оғир турмуш шароитида яшаётган ҳамда ногиронлиги бўлган хотин-қизларга маҳорат дарслари ўтказилди. Маҳорат дарсларида иштирок этган хотин-қизлар ўз қизиқишлари асосида "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан усталарга бириктирилди. Ўзбекистон Ихтирочи аёллари маркази ва Мирзо Улуғбек тумани Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази томонидан тадбиркорликни бошламоқчи бўлаётган хотин-қизларга ўқув машғулотлари ташкил қилиниб, тегишли кўрсатмалар берилди. Мирзо Улуғбек тумани Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил қилиниб унда хотин-қизларимиз ўзларини қизиқтирган касб бўйича янги иш ўринлари билан танишдилар. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида викторина ва психологик тренинглар ўтказилди.

Инновацион тадбиркорлик ҳафталиги доирасида ўтказилган тадбирларга Мирзо Улуғбек тумани хотин-қизлар қўмитаси томонидан аниқланган, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлаётган, 500 нафардан зиёд ишсиз, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган хотин-қизлари жалб қилинди.

Ҳафталик доирасида ўтказилган инновацион ярмаркада жами 31 нафар тадбиркор ва 27 нафар ҳунарманд хотин-қизлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан қатнашдилар.

Ушбу ҳафталикда маҳорат дарсларини ўтган ҳамда ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан инновацион ярмаркада фаол иштирок этган тадбиркор ва ҳунарманд аёллар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишлар мамлакатимиз хотин-қизлари томонидан бажарилаётган ишларни кенг жамоатчиликка тарғиб этишда ҳамда ҳунарманд, тадбиркор ва ишбилармон аёлларнинг янги авлодини тарбиялаб ўстиришга хизмат қилади.

**Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги**
**Матбуот хизмати**

# ЎЗБЕКИСТОННИ 2035 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўлимида таълим тизими, меҳнат бозори ҳисобига инсон капиталини ривожлантириш, аҳолининг барча қатламларини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш орқали одамларнинг соғлиғини яхшилаш кўрсаткичини ошириш, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳитни асраш, илғор фикрлайдиган янги авлодни шакллантириш, мамлакатнинг миллий брендини халқаро миқёсда оммалаштириш каби мақсадлар баён этилган.

– Жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида узоқ истиқболга мўлжалланган стратегиялар қабул қилинган. Ўзбекистонни 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлиб, юртимиз тараққиётида янги саҳифа очиши билан аҳамиятлидир, – деди "Буюк келажак" халқаро ташкилоти экспертлар кенгаши мувофиқлаштирувчиси Баҳром Исмоилов. – Янги стратегия мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар истиқболда юқори натижаларни беришига пойдевор бўлиб хизмат қилади.

– Стратегия лойиҳасида белгиланган марраларга эришиш учун ҳар бир соҳада ислоҳотларни босқичма-босқич, аниқ муддатларда рўёбга чиқариш прогнозлари кўрсатилган, – деди "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори Акмал Бурҳонов. – Масалан, бугунги кунда туризм соҳасининг улуши мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида 1,4 фоизни ташкил этса, 2035 йилда уни 28 фоизга етказиш режалаштирилган. Ёки ишлаб чиқариладиган автомобиллар сонини 300 мингтага етказиш, тармоқдаги бандликни 1,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Шу каби кўплаб истиқболли режалар ва уларни амалга ошириш механизмлари Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашига қулай имкониятлар яратади.

Тақдимотда макроиқтисодиёт кўрсаткичлари, соҳавий йўналишларнинг ҳар томонлама ўрганилган маълумотлари, барқарор ривожланиш йўналишлари, 2035 йилгача Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясидан кутилаётган натижалар ҳақида сўз юритилди.

Лойиҳани аҳолининг кенг қатламлари, вазирлик ва идоралар, эксперт-таҳлилий доиралар ўртасида, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилишга келишиб олинди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ**

# КЕЛГУСИ ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ СЕНАТОРЛАР МУҲОКАМАСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шунингдек, иш ҳақи фондига солиқ юкини камайтириш ва тадбиркорлик субъектларининг ишчилари сони ва иш ҳақи фондини қонунийлаштириш учун рағбатлантирувчи шароитларни яратиш мақсадида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларига 0,1 фоиз йўналтирилган ҳолда барча фуқароларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича ягона 12 фоиз миқдорида солиқ ставкасини жорий этилади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳисобига турмуш фаровонлигини янада ошириш, виждонли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Муҳокама давомида келгуси йил учун мўлжалланган Давлат бюджетида бюджет соҳаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида урғу берилгани маълум қилинди. Хусусан, 2019 йилда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг жами харажатлардаги қисми 54,5 фоизни ташкил қилиши қайд қилинган. Келгуси йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар миқдорини ҳар ярим йилда ўтган йилги инфляция даражасидан паст бўлмаган миқдорларда ошириш таклиф этилган. 2019 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий нафақалар миқдорларини абсолют суммада белгилаш кўзда тутилган.

Йиғилишда қўмита аъзолари ижтимоий объектларни капитал таъмирлаш ёки реконструкция қилиш ишларига ажратилган маблағ ҳамда унинг қурилиш сметасида молиялаштирилган маблағ ўртасида номутаносибликлар аниқланаётганини таъкидлади. Бу эса қурилиш, таъмирлаш жараёнини ортга сурмоқда. Натижада турли муаммоли ҳолатлар келиб чиқмоқда. Тадбирда келгуси йилда бу каби ҳолатларни бартараф этиш бўйича таклифлар билдирилди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 30 ноябрдаги "Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ пойтахтимизда қурилиш, архитектура, электротехника соҳалари ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишларида малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Жанубий Кореянинг Аджу университети филиали очилади.***

# ТОШКЕНТДА ЯНА БИР КОРЕЯ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛАДИ

Янги олий ўқув юртини молиялаштириш тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинаётган талабалар маблағлари, хўжалик фаолиятидан тушадиган даромадлар, шартнома асосида хизмат кўрсатиш ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети ҳисобидан келгуси ўқув йилининг бошида университет бино ва иншоотларини тайёрлаш бўйича таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилади.

Ўқув жараёнида кадрларни тайёрлашнинг юқори даражасини таъминловчи илғор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланилади. 2019/2020 ўқув йилида университетда бир вақтнинг ўзида бакалаврларни тайёрлашнинг учта – архитектура, электротехника ва қурилиш-инжиниринг йўналишлари очилиши режалаштирилмоқда. Мазкур таълим йўналиши битирувчиларига Аджу университетининг Ўзбекистонда олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат, деб тан олинган белгиланган намунадаги дипломи берилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Банк-молия академиясида магистратура ихтисослиги бўйича бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Аджу университетининг иқтисодиёт ва бизнес олий мактаби очилади.

Олий ўқув юртида таълимдан фойдаланиш даражасини ошириш учун 2019/2020 ва 2020/2021 ўқув йилларида ўқишга қабул қилинган маҳаллий талабаларга таълим сўнгигача қадар шартнома пулининг маълум қисми давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилиши кўринишидаги давлат кўмаги тақдим этилади. Таъкидлаш жоизки, давлат кўмаги тақдим этилаётган талабалар республикамиз давлат ташкилотларида ихтисослиги бўйича камида уч йил ишлаб бериш шарти билан ишга тақсимланади.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

# СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР ТАРҒИБОТИ

***Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси томонидан Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган тадбиркорлар учун ташкил этилган семинар мазмунан бой ва самарали бўлди.***

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойи якуни бўйича Мирзо Улуғбек туманида 1 млрд. сўмдан ортиқ тушумларга эга бўлган 576 та корхона аниқланган. Уларнинг барчасига умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишлари зарурлиги ҳақида хабарномалар жўнатилган. Жорий йилнинг 26 ноябрь ҳолатига 265 та корхона қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтишга ҳам улгурган.

Семинарда иштирокчилар томонидан солиқ юкини камайтириш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш орқали иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Тадбиркорлик субъектлари вакиллари мулоқотлар чоғида солиқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар боис бугунги кунда солиқ ходимлари солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори, яқин маслаҳатчисига айланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлашди. Бу эса фуқароларда ҳам, тадбиркорларда ҳам шу юртга дахлдорлик туйғуси шаклланиб, инсофли солиқ тўловчилар сафи кенгаяётганидан дарак беради.

* * *

Чилонзор туманида ўтказилган семинарда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, келгуси йилдан йиллик пул айланмаси 1 млрд. сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган тартибда солиқ тўлашга ўтказиш тартиби ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича Чилонзор туманида йиллик пул айланмаси 1 млрд. сўмдан ошган 655 та корхона мавжуд. Уларга 2019 йил 1 январдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишлари зарурлиги ҳақида хабарномалар жўнатилган. Жорий йилнинг 27 ноябрь ҳолатига 261 та корхона қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтишган.

– Оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали келгуси йилдан йиллик пул айланмаси 1 миллиарддан ошган тадбиркорлик субъектлари умумбелгиланган солиқ тўловига ўтказилиши ҳақида ўқидим, – дейди тадбиркор Одина Тиллабоева. – Семинарда малакали мутахассислар томонидан электрон ҳисоб-фактураларини юритиш қоидалари, ҳисоботлар топшириш тартиби ҳамда солиқларни тўлаш муддатлари ҳақида батафсил маълумотлар берилгани биз учун айни муддао бўлди.

Тадбирда солиқ тўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида "Солиқ сервис" давлат унитар корхонаси ишга туширилгани маълум қилинди. Корхона ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектлари вакилларига ҳисоботларини тайёрлаш ва топшириш, бюджет билан муносабатларини тартибга солиш, электрон ҳисобварақ-фактураларни юритиш қоидалари бўйича бепул хизмат кўрсатилади.

Шунингдек, солиқ қонунчилиги нормаларини амалиётга татбиқ қилиш бўйича қўшимча саволлар мавжуд бўлса, доимий равишда 24 соат узлуксиз ишлайдиган "Call-markaz"га 71-202-32-82 ёки қисқа "1198" рақамига қўнғироқ қилиш мумкинлиги қайд этилди.

Семинарда тадбиркорлик субъектлари вакилларига қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиқларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби ҳақидаги услубий қўлланмалар тарқатилди. Тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИ ЖАҲОН ТЎПЛАМЛАРИДА

***Жорий йилнинг 10-11 декабрь кунлари пойтахтимизда "Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида" лойиҳасининг 2018 йил якунлари ва 2019 йил "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқишга бағишланган халқаро мультимедиа форуми бўлиб ўтади.***

Унда мамлакатимиз олимлари ва хорижлик олимлар, давлат ҳокимияти органлари вакиллари, маданият ва санъат арбоблари, туристик компаниялар вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари, медиа тузилмалар раҳбарлари, блогерлар, кинорежиссёрлар ва продюссерлар, ижодий гуруҳлар иштироки кутилмоқда.

Шу муносабат билан "Севимли ТВ" канали биносида ўтказилган матбуот анжуманида мазкур нуфузли халқаро тадбирнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухоликов, академик Э.Ртвеладзе ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар барча йўналишлар қаторида маданият ва санъатимизни янада равнақ эттириш ҳамда тарихимизни қайта ўрганишга кенг йўл очиб берганини таъкидлади.

Қайд этиш керакки, ушбу лойиҳа Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бир қатор миллий ҳамда халқаро ҳамкор ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг "Медиа-холл" мажмуасида бўлиб ўтадиган форум илмий ва маданий қисмларни ўз ичига олади. Айниқса, дунёга машҳур олим, тарих фанлари доктори, санкт-петербурглик Эфим Резваннинг Ўзбекистон ҳудудига тегишли дунёнинг 114 та Қуръони Карим ҳақидаги қизиқарли маълумотлари, Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси Фредерик Старр тажрибаси иштирокчиларга манзур бўлади.

Шунингдек, академик Э.Ртвеладзенинг "Буюк Ҳинд йўли", "Ўзбекистоннинг 100 машҳур қўлёзма ёдгорликлари" лойиҳаси, "Россия – Культура" телеканалининг "ЎзЭОАВМА" билан биргаликдаги "Ўзбекистон. Севги ҳақида афсоналар" тўрт серияли ҳужжатли фильми ҳамда Германия кинокомпанияси томонидан "Ўзбекистоннинг буюк файласуфлари" фильмини суратга олиш бўйича лойиҳасига бағишланган тадбирлар ташкил этилади.

Форум доирасида "Замонавий дунёдаги маданий мерос: сақлаш ва оммалаштириш" мавзусидаги илмий-амалий конференция ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейида "Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида" лойиҳасининг доимий кўргазмаси очилиши каби бир қатор тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур форум иштирокчилар учун жорий йилда нашрга тайёрланган 10 та альбом билан танишиш имконини беради.

Якунда форум натижалари бўйича Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилиш бўйича Бутунжаҳон жамияти фаолиятининг 2019 йил учун "Йўл харитаси" ишлаб чиқилади.

Форум доирасида ташкил этиладиган ижтимоий медиа-маҳсулотлар миллий фестивалида ғолиб бўлган иштирокчилар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилади.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдуҳакимов сўзга чиқди.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани ва шаҳри фаоллари ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан тажриба алмашиш мақсадида пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманига ташриф буюрдилар.***



# ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ШАЙХОНТОҲУРДА

Меҳмонлар тумандаги 84- ва 34-умумтаълим мактабларида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнлари билан танишдилар. "Кўкча дарвоза" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 186-умумтаълим мактабида маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ўсиб келаётган ёш авлодга яратилаётган имкониятлар мавзусидаги муҳокамада иштирок этдилар, "Шофайзи" маҳалла фуқаролар йиғини идорасида бўлиб, йиғин қошидаги комиссиялар ишини ўргандилар.

— Пойтахтнинг бу туманига мен билан бирга келган янгийўллик ижтимоий соҳа вакиллари, маҳаллалар раислари ва фаоллар бу ерда амалга оширилаётган бир қатор намунали ишларнинг гувоҳи бўлдик, — дейди Янгийўл тумани ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ўткирбек Рашидов. – Мактабларда берилаётган таълим, тўгараклардаги машғулотларни бевосита кузатдик. Гуруҳимиз аъзоларида, айниқса, педагоглар, маҳаллалар фаоллари ва Шайх Зайниддин жомъе масжиди имом-хатиби Ҳусниддин Абдукаримов иштирокидаги ёшлар тарбияси билан боғлиқ мунозараларга бой суҳбат катта таассурот қолдирди. Бу тадбирни ташкил этган Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигидан жуда миннатдормиз.

**(Ўз мухбиримиз)**
**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**
**Мансур Нахалов олган сурат**

***Ўзбек халқи ўзининг маданий мероси, такрорланмас меъморий обидалари, инсонийликни тарғиб қилувчи қадриятлари ва урф-одатлари билан бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Шарқ маданияти ва санъати ҳақида сўз борар экан, миллий рақс санъати унинг ажралмас қисми эканлигини таъкидлашимиз жоиз.***

# ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИ АНЪАНАЛАРИ

Юртимиздаги археологик топилмалар, артефактлар, саройлар деворларига туширилган безак-тасвирлари ва ўрта асрларнинг ноёб миниатюра асарларида ҳамда бошқа тарихий манбаларда келтирилишича, ўзбек миллий рақс санъати жуда қадимий бўлиб, ҳосил байрамлари ва диний маросимларга бағишланган йиғинларда ижро этиб келинган. 20-асрнинг бошларида ўзбек рақси оммавий санъат сифатида шакллана бошлаган.

Бугунги кунда хукуматимиз томонидан миллий рақс санъатини ривожлантириш, соҳага илғор тажрибаларни татбиқ этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Табиийки, бу ишларни амалга оширишда ўтмишга назар солмасдан, юртимизда қадимдан шаклланган анъаналар, устозлар бисотидаги ўгитлар, бой ва бетакрор миллий рақс мактаби тарихини ўрганмай туриб эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси кинофотофоно ҳужжатлари Марказий давлат архивида миллий рақс ва хореография санъати ҳамда бу соҳада фаолият юритган халқ севган маданият ва санъат арбоблари, мураббийларнинг сиймолари акс этган кинофотофоно ҳужжатлар ноёб ҳужжатлар сифатида сақланиб келинмоқда. Ўзбек миллий рақс санъати мактабининг яратилиши, унинг ривожланиш босқичларини айнан архивимиз ҳужжатлари орқали ўрганишимиз мумкин.

Мазкур фотоҳужжатлар Ўзбекистон маданияти ва санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли ва эл суйган санъаткорлар ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилади.

**Умида АКРАМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси кинофотофоно ҳужжатлари Марказий давлат архиви Фондлар бош сақловчиси**

# ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Айни кунларда пойтахтимиздаги маҳалла фуқаролар йиғини, таълим муассасалари ҳамда корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказиб келинмоқда.***

Ана шундай тадбирлардан бири Бектемир туманидаги 293-умумий ўрта таълим мактабида "Конституция — бахтимиз қомуси" мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда юқори синфлар ўқувчилари Бош қомусимизнинг мазмун-моҳияти, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида чиқишлар қилишди. Шунингдек, ўқувчилар "Конституцияни қай даражада биламиз?" викторинасида ўз билимларини синашди. Иқтидорли ўқувчилар томонидан бадиий чиқишлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Тадбирда фаол иштирок этганларга, хусусан 10 Б-синф ўқувчиларига фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Муҳайё ҲАМДАМОВА**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

***Конституция – инсон ҳуқуқи ва манфаатлари ифодаси сифатида демократик қадрият, анъана ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши ҳамда миллий тотувликни таъминлашда бош омилдир. Бош қомусимизда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланган.***

Парламент қуйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Конституция – ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий кафолати" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида Бош қомусимизнинг мазмун-моҳияти ва устувор тамойиллари ҳақида сўз юритилар экан, унда биринчи навбатда, инсон манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилгани алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда мамлакатимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ана шу машаққатли ва шарафли йўлда эришилган барча ютуқлар Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқлар туфайлидир. Боиси, Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ўзида акс эттирган.

Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг муносиб ва фаровон ҳаёт кечириши, фаол меҳнат қилиши учун барча шароитни яратиш Конституциямизнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Унда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиши, эркин касб танлаши, адолатли меҳнат шароитларида ишлаши ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиши, дам олиши, қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиши, малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, билим олиши ва бошқа бир қатор ҳуқуқлари кафолатланган.

Тадбирда Конституция ижтимоий ҳимоянинг муҳим пойдевори экани эътироф этилди. Шу аснода кейинги йилларда жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланмиш оила, айниқса, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоялаш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш каби муҳим масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. Оиладаги вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳуқуқларидан то кексалар, ногиронлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифадаги фуқароларнинг муҳофазасига доир нормалар ҳам Конституциямизда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигини кенг нишонлашга бағишланган тадбирларда қўмита аъзолари фаол қатнашиб, аҳоли орасида унинг аҳамияти, халқимизга берган кенг имкониятлари ҳақида тарғибот ишларини кучайтириши лозимлиги айтилди.

**(ЎзА)**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-сонли академик лицейи томонидан 2015 йилда Казакова Мария Дамировна номига берилган L № 250408 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**





Спорт

## КАРАТЭЧИЛАРИМИЗ МАЛАЙЗИЯДА ШОҲСУПАГА КЎТАРИЛДИ

***Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида каратэ бўйича V "KL MAYORS CUP – 2018" халқаро турнири ўтказилди.***

Унда Малайзия, Ўзбекистон, Индонезия, Непал, Ҳиндистон, Бангладеш ва Сингапур каби давлатлардан келган ёш каратэчилар ғолиблик учун ўзаро рақобатлашди.

Мусобақада мамлакатимиз шарафини пойтахтимизнинг Учтепа тумани 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 18 нафар тарбияланувчиси ҳимоя қилди.

Халқаро турнирда Рустам Сувонов, Дилшодбек Нуралиев, Жаҳонгир Насимов ва Фарангиз Эшонқулова ўз ёш тоифаларида олтин медални қўлга киритди.

Умидли спортчиларимиздан Асилбек Сагатов, Мирсаид Чулибоев, Гулираъно Жўраева, Ситора Авазова кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Шаҳрам Сувонов, Абдуллоҳ Жўраев ва Жонибек Давронов бронза медалларига сазовор бўлди.

Шунингдек, ўсмирлар ўртасида Севара Жуманиёзова 59 килограмм вазнда яккалик кумите баҳсларида кумуш ва яккалик катада бронза медали соҳибасига айланди.

Турнирнинг 10-13 ёшли ўғил болалар ўртасидаги жамоавий кумите баҳсларида вакилларимиз биттадан олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди. 18 ёшдан юқори ўғил болалар ўртасидаги жамоавий кумите баҳсларида вакилларимизга тенг келадигани топилмади.

18 ёшдан кичик ва ундан катта қизлар ўртасидаги жамоавий кумите баҳсларида вакилаларимиз икки маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## КИБЕРСПОРТ ЛИГАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

***Тошкент шаҳрида Ўзбекистон электрон компьютер спорти федерацияси ва "Alisports" (Alibaba Group) ҳамкорлигида ўтказилган, бутунжаҳон электрон спорт ўйинлари (WESG) турнири учун саралаш ўйинлари бўлиб ўтди.***

Беш йўналишда ўтказилган ўйинларда саралашга параллел равишда Ўзбекистон кубоги ғолиблари ҳам аниқланди.

Мусобақанинг энг яхши иштирокчилари кейинги халқаро босқич йўлланмасига эга бўлиш билан бирга 2019 йилги Ўзбекистон чемпионати, яъни Ўзбекистон профессионал киберспорт лигаси қатнашчисига айланишди.

Ўз йўналишларида чемпион бўлган киберспортчилар Марказий Осиё давлатларининг чемпионлари билан саралашнинг сўнгги раундида иштирок этишади. Унда муваффақиятли қатнашган спортчилар Хитойда бўлиб ўтадиган "WESG" мусобақасига йўл олади.

Эслатиб ўтамиз, электрон компьютер спорти жорий йилнинг 15 август куни Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Ўзбекистон спорт турлари реестрига киритилган эди.

## ПОЙТАХТ ЖАМОАСИ БИРИНЧИ ЎРИНДА

***Гимнастика бўйича Республика ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабида спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича очиқ турнир ўтказилди.***

Турнирда республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан жами 318 нафар ёш спортчи иштирок этди. Икки гуруҳда иштирок этган гимнастикачилар мусобақада ўз имкониятларини синаб кўриш билан бирга ўзлари учун маҳорат сабоқлари ҳам олиш имкониятига эга бўлишди. Асосийси мусобақада Республикамизнинг чекка ҳудудларида ушбу нафис спорт тури билан шуғулланиб келаётганларнинг ҳам иштирок этгани қувонарлидир.

Бундай мусобақалар бадиий гимнастикага қадам қўйган ва қисқа муддатларда эришган маҳоратларини намойиш этиш учун ташриф буюрган спортчи қизлар ҳаётида катта ўрин тутади.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи ўрин, Бухоро вилояти иккинчи ва Навоий вилояти учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари эсдалик совғалари, медаль ва дипломлар билан тақдирланди.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати

## АЁЛ ЖИНОЯТЧИ БЎЛСА...

***Бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилаётган сайёр суд мажлисларида аҳоли ўртасида юзага келаётган муаммолар жойида ҳал этилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо бундай муаммолар сабаби аёлларга бориб тақалганда кўнглингиз хижил бўлади. Айниқса, ўғрилик, товламачилик, талончилик каби жиноятларга аёлларнинг қўл уриши жуда ачинарли ҳол.***

Шундай жиноий ишлардан бири жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг очиқ сайёр суд мажлисида муҳокама қилиниб, қонунга мувофиқ ҳукм ўқилди.

1989 йили Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, турмушга чиқмаган, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган Сайёра Эгамовага (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартирилган) оид жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчининг қинғир ишларини эшитгач ёқа ушлашингиз тайин. Ҳали оила, фарзанд қадрини билмайдиган бу қиз 2014 йилдан 2016 йилга қадар Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳасида истиқомат қилувчи Шарофат Солиеванинг боласига энагалик қилиб, унинг уйида истиқомат қилиб келган. 2009 йилда туғилган Ф.Б.ни турли важлар билан уриб-дўппослаб, баданига сигарета чўғи ва қиздирилган темир буюмларни босиб, тирнаб азоб етказиб, "эркакка ўхшашинг керак, латта бўлмагин" деган важ билан болани оғир жисмларни кўтаришга мажбурлаб, хўрлаб, муттасил равишда қийнаб келган. Тиббий экспертиза хулосасига кўра, вояга етмаган Ф.Б.да бурун чап ён соҳаси ва кўкрак олд юзасида чандиқлар, яъни яранинг битишидан кейинги излар, чап билак соҳасида шилинмаларнинг битишидан кейинги излар мавжудлиги аниқланди.

Бу жинояти билан чекланиб қолмай, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириш учун антиқа усул ўйлаб топади. Яъни, уй эгаси Шарофат Солиевага турли хил уйдирмалар тўқиб, Анжелика исмли фолбин таниши борлигини ва у фол очиб, "Агар битта хўроз олиб қурбонлик қилинмаса, уй эгаларига фалокат ёғилиши"ни уқтиради. Содда аёлни чув тушириб, баҳоси 800 минг сўмлик тилла зиракларини гаровга қўйдириб, ломбарддан 426 минг 800 сўм пул олади ва ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади.

Бундан ташқари, Сайёра Эгамова ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Шарофат Солиеванинг фуқаролик паспортини қасддан йиртиб ташлайди.

Пул топишнинг осон йўлини топиб олган Сайёранинг жиноий ҳаракатлари бу билан тўхтамади. У олдинига товламачилик йўли билан пулларни ўзлаштирган бўлса, энди бу жиноятига Шарофат Солиеванинг 2007 йилда туғилган қизи Л.Б.ни ҳам жалб этади. Содир бўлаётган воқеани тўла тушуниб етиш қобилиятига эга бўлмаган даражада ёши кичиклигидан фойдаланиб, унинг қулоғига ҳам Анжелика исмли фолбин таниши билан боғлиқ уйдирмаларни қуяди ва қизалоқни бошқа жойда истиқомат қилувчи келинойисининг уйига ўғриликка жўнатади. "Келинойингнинг тилла тақинчоқларини ҳеч кимга билдирмасдан олиб чиқиб берсанг, фолбин уйингизга ёғиладиган фалокатни қайтаради", деган ёлғон билан қизча орқали фуқаро З.Ортиқовага тегишли нархи 1 миллион 500 минг сўм бўлган бир жуфт тилла сирғани яширин равишда талон-тарож қилган.

Сайёра Эгамовага ишламасдан пул топиш мойдек ёқиб қолганиданми, у қизалоқни яна бир марта ёлғон-яшиқлари билан авраб, бу сафар З.Ортиқованинг 2 миллион сўм бўлган бир жуфт тилла сирғасини қўлга киритади. Ёш боладан фойдаланиб яна ўша аёлнинг нархи 5 миллион сўмлик тилла тақинчоқларини ҳам ўзлаштириб олади.

Ушбу ҳаракатлари билан Сайёра Эгамова вояга етмаган қизалоқни бир неча бор жиноят қилишга жалб қилади. З.Ортиқовага тегишли жами нархи 8 миллион 500 минг сўм бўлган тилла тақинчоқларни ўз эҳтиёжи учун олади.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади, деганларидек, унинг ҳам қилмишлари фош бўлди.

Судда С.Эгамовани жамиятдан ажратмаган ҳолда унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган хулосага келинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қилинди ва суд етказилган зарарни судланувчидан ундиришни ва ашёвий далиллар тақдирини ҳал этишни лозим топди.

Аммо бу муаммонинг ечими эмас. Нега аёл жиноятчи бўлиб қолди? Қора курсига ўтиришигача бўлган омиллар қандай? У жазони ўтаб бўлгач ижобий томонга ўзгарадими?

Бу каби саволлар ҳар бир қиз ўстираётган ота-онани ўйлантириши лозим.

**Зоир КАМОЛОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди судьяси**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 2017 йилда 557007 рақами билан рўйхатдан ўтган "DECLARANT SERVICE" МЧЖ (СТИР 305158993)

**ТУГАТИЛАДИ**

Асос: 04.12.2018 йилдаги йиғилиш баённомаси. Даъво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой муддат ичида (90) 348-77-29 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани ТСРЎИ томонидан 7.02.2014 йилда № 003467-07 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "REAL PREMIUM SERVICE" МЧЖ (СТИР 302071955) таъсисчиларнинг 3.12.2018 йилдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уй манзилида қабул қилинади.

"Сергели тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Сергели-6 мавзеси, 18-уй, 4-хонадон учун Мирзарахимова Офтобхон Рахмановна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат техника университети томонидан Рахмадов Шерзод Ғайрад ўғлига 2017 йилда берилган № 1582 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат техника университети томонидан Паттохов Фазлиддин Зайнитдиновичга 2017 йилда берилган № 2241 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат техника университети томонидан Ахмадов Иброхим Раҳимбой ўғлига 2017 йилда берилган № 1584 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар "Bilim" ахборот-кутубхона маркази жамоаси "Bilim" АКМ директори Ҳафиза Каримовага турмуш ўртоғи

**Ислом ХАСАНОВнинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"101"

## МУҲИМИ — ОЛДИНИ ОЛИШ

***Дунё миқёсида оладиган бўлсак, ер юзида йилига 5,5 миллионта ёнғин ҳодисаси қайд этилар экан. Айтишга осон, аммо бу ҳар бир дақиқада 12 та ёки ҳар беш сонияда битта офат деган сўз.***

Булардан келиб чиқадиган ташвишу қайғуларни эса бирор рақам билан ифодалаб бўлмаса керак. Куз-қиш мавсумида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг зиммасидаги масъулият икки карра ошади. Чунки кўпчилик ёнғинлар айни мана шу мавсумда содир бўлиши кузатилган. Бунинг сабаби ҳам маълум – уйларни иситиш мақсадида қўлбола ёки носоз электр печларидан фойдаланиш, газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик ва ҳоказо. Шунинг учун биз фуқаролар орасида, ўрта таълим ва мактабгача таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда фуқаролар билан учрашиб, ёнғин хавфсизлиги бўйича тарғибот ишларини ўтказиб борамиз. Асосийси ҳар биримиз бу ишга ўзимизни дахлдор деб билиб, ёнғинга қарши курашда фаол иштирок этишимиз лозим. Ана шундагина биргалашиб, "тилсиз ёв"ни енга оламиз.

**Умид УСМОНОВ,**
**Ўзбекистон Анжуманлар саройини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сержант**

* * *

Халқ мулки, турар жойларни ёнғин офатидан асрашда тарғиботнинг ўрни муҳим.

Бундан кўзланган асосий мақсад ёнғинга қарши курашни кучайтириш, унинг олдини олишга аҳолини жалб этишдан иборатдир. Зеро, "тилсиз ёв" билан курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Ҳар бир фуқаро, хонадон, маҳалла, корхона-ташкилот белгиланган қоидаларга амал қилиши тинчлигимизни таъминлайди.

Аҳолига эса, ўз уйларида ёнғинларнинг олдини олиш учун қуйидаги тавсияларни яна бир бор эслатиб ўтамиз: электр билан ишлайдиган анжомларнинг соз эканлигини мунтазам тарзда назорат қилиб туринг; қўлбола ва носоз иситиш мосламаларидан асло фойдаланманг; электр симларини уйнинг ёнувчи қисмларидан махсус қопламалар орқали ўтказилишини таъминланг. Ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал эканлигини унутманг!

**Хисомиддин ГАЗИХАНОВ,**
**ЁХБ кичик инспектори, сафдор**

* * *

Фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамоқдалар.

Газ ҳидини сезганда гугурт чақиш мумкин эмаслиги, газ қувурларини ўзбошимчалик билан газ плиталарига резина шланглар ёрдамида, қонунга зид равишда улаб, хонадонни талафотларга олиб келаётганлар ҳам топилади. Бу эса фуқароларнинг моддий зарар кўриш ва жиддий тан жароҳати олишга сабаб бўлмоқда. Ҳозирда электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ҳамда улардан хоналарни иситиш мақсадида газ плиталарини ёқиб қўйиш, назоратсиз қолдириш, тутун йўлларининг носозлиги, дудбуронларнинг тозаланмаслиги оқибатида келиб чиқаётган ёнғинларнинг сони сезиларли даражада ортиб бормоқда. Энг ачинарли томони шундаки, мазкур ёнғинларнинг олдини олиш кўп нарсани талаб қилмас эди, бунга бор-йўғи бепарволик, жавобгарлик ҳиссини сезмаслик сабаб бўлган.

Шундай экан белгиланган қоидаларга амал қилайлик. Ана шунда турмушимиз фаровон бўлади.

**Абдуваҳоб ЮНУСОВ,**
**Бектемир тумани ЁХБ кичик инспектори, сафдор**

* * *

Ис гази хонадонларимизда фойдаланиладиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, кўмир ва органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳосил бўладиган газдир. Ис гази нафас йўллари ва нафас аъзоларига зарарли таъсир этади. Бундан ташқари марказий асаб тизимини шикастлайди.

Табиий газ йиғилган вазиятларда, зудлик билан қуйидагиларга амал этиш лозим: хонанинг ойна ва деразаларини очиб, шамоллатиш; хонадаги электр жиҳозларни ёқмаслик, ёниқ бўлса ўчирмаслик; газ жўмракларини беркитиш; хонада бўлган инсонларни тоза ҳавога олиб чиқиш.

Газ оқимини беркитишнинг иложи бўлмаса ёки ёрилган, синган ва тешилган жойлар аниқланса, газ таъминоти авария хизматига хабар беринг. "104" телефон рақамини теринг.

Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг, болаларингизни назоратсиз қолдирманг.

Азизлар огоҳ бўлинг, ҳаётингизни хавф остида қолдирманг!

**Дилшод УМАРОВ,**
**Юнусобод тумани ЁХБ инспектори, сержант**

* * *

Яшаш жойларида бўлгани каби иш жойларида ҳам ёнғинга олиб келувчи ҳолатларга лоқайд муносабат ҳамон сақланиб қолаётганлиги ташвишланарли. Бунинг натижасида жойларда турли даражадаги ёнғинлар содир бўлиб турибди.

Шу сабабли давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолати мунтазам текшириб турилади, оммавий ахборот воситалари орқали ёнғинларнинг олдини олиш мақсадига қаратилган чиқишлар қилинади, профилактик тадбирлар ўтказилиб бориладди. Кимнингдир айби билан содир бўлган ёнғин кўплаб моддий бойликларни кулга айланиши, уй-жойсиз қолишига сабаб бўлаётир.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларига риоя этиш, лоқайдлик ва эътиборсизлик сингари иллатлардан холи бўлиб, ёнғинларга олиб келувчи омилларни бартараф этишда бирдек ҳаракат қилиш лозим. Фаровон турмуш кечиришни таъминлашда фаоллик кўрсатиш барчанинг бурчи эканлигини унутмайлик.

**Аброр МАЖИДОВ,**
**23-ҲЁХҚ инспектори, сержант**

* * *

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам юртдошларимизнинг хотиржамлиги ва хонадонларимиз тинчлигини таъминлаш мақсадида фуқароларимизга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш юзасидан бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Аксарият болалар уйда ёлғиз қоладилар. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга эса ота-оналар ва катталар масъулдирлар. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам мактабларда бу борада қатор амалий, ўқув-семинар машғулотлари олиб боришмоқда. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги олиб борилаётган тарғибот ишлари фуқароларимизнинг бефарқликларига чек қўйиб, турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдам бермоқда. Шунингдек, ЁХБ ходимлари ёш авлод тарбиясида ҳушёрлик ҳиссини вужудга келтиришга эътибор қаратиб, улар билан учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказадилар. Ёшларнинг бахтли келажаги ва уларнинг баркамол инсон бўлиб етишишлари учун ҳар бир инсон масъулдир.

**Ерлан КУЛМАНОВ,**
**25-ҲЁХҚ катта инспектори, сержант**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **6 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечқурун ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 0-2, кундузи – 11-13 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **6 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1235
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4223 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345